

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Холиқов, М.Мелиқўзиева</b>	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
<b>И.Сиддиқов</b>	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
<b>И.Рахимов</b>	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
<b>Ф.Абдулбоқиев</b>	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
<b>М.Саидакбарова</b>	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
<b>Я.Нишанов</b>	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
<b>Г.Қосимова</b>	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
<b>Г.Орипова</b>	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
<b>Ш.Каримова</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
<b>Э.Ибрагимова</b>	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
<b>Д.Рустамов</b>	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
<b>Г.Розиқова,</b>	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
<b>М.Алиева</b>	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
<b>М.Абдураҳманов</b>	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари .....	208
<b>Г.Исакова</b>	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
<b>С.Қурбонова</b>	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
<b>Н.Ахмаджонов</b>	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
<b>Р.Юлдашов</b>	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
<b>М.Рустамов</b>	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
<b>А.Тураханов</b>	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

#### ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

<b>Забардаст туркийшунос олим.....</b>	<b>234</b>
<b>Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....</b>	<b>237</b>

УДК: 410

ТЕРМИНОЛОГИК МАЙДОН БИРЛИГИ  
ЕДИНСТВО ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКОГО ПОЛЯ  
THE UNITY OF THE TERMINOLOGY FIELD

М.Алиева

<sup>1</sup>М.Алиева

—Андижон давлат университети, филология  
фанлари бўйича фалсафа доктори Phd.

**Аннотация**

Мақолада термин мантикий тушунча ва лингвистик тушунча сифатида ўрганилган. Термин ва сўзлар орасидаги фарқларни аниқлаш орқали терминларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

**Аннотация**

В настоящей статье термин исследован в качестве логического и лингвистического понятия. Через выявление различий между терминами и словами раскрыты специфические особенности терминов.

**Annotation**

In this article, the term is studied as a logical and a linguistic concept. By identifying the differences between the terms and the words, the specific features of terms are revealed.

**Таянч сўз ва иборалар:** мантикий тушунча, лингвистик тушунча, термин, сўз, моносемантик структура, дублет терминлар, қайтаквалификациялаш, умумийлик ва хусусийлик, унификациялаштириш.

**Ключевые слова и выражения:** логическое понятие, лингвистическое понятие, термин, слово, моносемантическая структура, дублетные термины, переквалификация, общее и частное, унификация.

**Keywords and expressions:** logical concept, linguistic concept, term, word, monosemantic structure, doublet terms, re-qualification, general and specific, unification.

Европада илм-фаннинг дастлабки яратувчилари бўлган қадимги юнонларда ва римликларда термин илмий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар сифатида қўлланган, ҳозирги кунда олимлар термин сўзининг маъносини қадимги юнонлар каби маълум фан ва фан билан боғланган техника, санъат ва маданиятга оид ҳодисалар билан белгиласалар, бошқалари терминни кенг маънода тушунадилар ва уни морфологиядаги отнинг эквиваленти – синонимига айлантириб қўядилар. Терминни отнинг синоними деб ҳисобловчилар, инглиз файласуфларининг, шу билан бирга XIX аснинг охири ва XX аснинг бошларида нашр қилинган «Мантиқ дарслиги» автори Г.И.Челпановнинг фикрларини такрорлайдилар. Инглиз файласуфларининг фикрича, «мантиқда тушунчалар ҳақида эмас, терминлар, номлар ёки терминлар ҳақида гапириш мақсадга мувофиқдир» [1,8]. Г.И.Челпановнинг фикрича, рус тилидаги *красивый, делимый, конечный, некрасивый, неделимый, бесконечный* сўзлари ижобий ва салбий терминлардир [1, 11].

Кўринадики, термин мантикий тушунча сифатида ифода шаклидан қатъий назар, мантикий муҳокама элементидир. Муҳокама

элементи бўлиб, унинг фақат от билан ифодаланиши шарт эмас. Аммо лингвистик тушунча сифатида термин бу махсус тушунча ва предметларни аниқ ифодалаш учун қўлланувчи махсус сўз ёки сўз бирикмасидир [2,474].

Демак, терминлар муайян тушунча, ҳодиса, предметларни аниқ ифодалаш учун қўлланилади. Термин қайси маънода қўлланилиши аниқланмагунча, моносемантик структурага ўтмагунча, у маълум семага эга бўлган одатий сўз бўлади.

Фан луғати узлуксиз янги терминлар билан бойиб боради. Бу эса лексикографлар, амалиёт билан шуғулланаётган олимлар учун қийинчиликлар туғдириши табиий. Айниқса, дублет терминларнинг кўпайиши бир тушунчанинг бир нечта термин билан аталиш ҳолатлари, Гегель таъкидлаганидай, баъзи тушунмовчиликларга, чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун қайта пайдо бўлган терминларни мантикий ўрганиш, уларни изоҳлаш зарур бўлади. Мантикий изоҳлаш ёрдамида янги пайдо бўлган нотаниш термин таниш терминлар комбинациялари билан солиштирилади.

Бундай изоҳлаш мантиқда қайта квалификациялаш, деб аталади. Бундай қайта квалификациялаш натижасида терминларнинг янги маъноси аниқланади ва, умуман, ўша билим системасида ўз ўрнини топади. Шунинг учун янги терминни киритишдан олдин, ушбу термин билдирган тушунча қайси семантик категорияга тааллуқли эканлигини аниқлаш талаб қилинади. Тушунча соҳаси аниқлангандан кейин, ўша билим соҳаси асосларига таяниб, умумий тушунчадан хусусий тушунча томон таҳлил қилинади. Хусусийлик ва умумийлик борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳар қайсисига хос хусусий, маълум гуруҳига доир алоҳида ва ҳаммаси учун умумий томонларини ва улар орасидаги муносабатларни ифодалайди.

Шундай қилиб, мантиқий изоҳлаш умумийликдан хусусийликка олиб бориш жараёни бўлиб, унинг натижасида янги термин (тилдаги маълум сўз ҳам янги термин бўлиши мумкин) ифодалайдиган тушунча ажратилади. Мантиқий изоҳлаш термин сифатида олинган сўздан англашиладиган маънонинг муайян муҳим белгисини ифодалаш демакдир. Бунда термин хусусий тушунчани ифодаласа, таърифлаш учун фойдаланилган сўз умумий тушунчани, кенг тушунчани ифодалайди. Масалан, *декатировка – тайёр кийимнинг киришишига йўл қўймаслик учун газламага намлаб иситиб ишлов бериш* (аслида, физик ҳолатининг ўзгариши) изоҳида терминдан англашилган тушунча *киришиш* ва *ишлов бериш*нинг умумий ва кенг тушунчалар ёрдамида таърифланган. *Гулчин – (ф-т) этик ёки махсининг гул билан безатиладиган орқа қисми* (разукрашенные задники ичиговили сапог, the up perheel of a boot or ranjara ornate) изоҳида терминдан англашилган тушунча *қишки оёқ кийимнинг гулли нақш солинган орқа қисми* каби умумлашган тушунча ёрдамида таърифланади. *Зардевор – (ф-т) ип ёки ипак газламага ҳар хил гуллар тикиб уйнинг деворларига тақаб гир айлана қилиб осиладиган безак буюм* (златошвейное покрывало с узорами из цветов, завешивающее стены комнаты, a kind of embroidered wall hanging) [3,12] изоҳида умумий ва кенг тушунчалар орқали ифодаланган.

Демак, термин гапдан ташқарида олинганда ҳам маълум бир аниқ маъно ифодалайдиган сўз ёки турғун ҳолатдаги сўз

бирикмасидир. Унинг асл луғавий маъноси ҳам шуни англатади: лотин тилида *terminus* сўзи *чегара белгиси, чек, чегара* деган маъноларни ифодалайди. Демак, терминнинг интеграл белгиси маълум соҳада бир мустақил тушунча англатишидир.

Кўринадики, термин одатдаги сўзлардан фарқ қилади. Термин билан одатдаги муомала чоғида қўлланидиган сўзлар орасидаги фарқлар аниқланар экан, бу билан терминнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам очилади. Шунинг учун қуйида бу айирмаларнинг энг муҳимларига, терминларнинг ўзига хос хусусиятларига тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

1. Маълумки, сўзнинг маъноси кўпқиррали бўлиб, унинг асосини тушунча ташкил қилади. Бу тушунчадан ташқари сўзда эмоционал-экспрессивлик, субъектив муносабат ва стилистик белги ҳам бўладики, бу белгилар асосида маъноси бир-бирига яқин ёки бир-бирига тенгдек кўринган сўзлар орасидаги тафовут юзага чиқади. Масалан, *юз-бет-башара-чеҳра-жамол; бурун -тумшук; газлама-латта, кийим-жанда* ва бошқалар.

Шу жиҳатдан қараганда, термин эмоционал-таъсирчанлик хусусиятига эга бўлмай, тушунча ва стилистик белги ифодалайди. Унинг стилистик белгиси маълум ишлаб чиқариш, фан соҳасига оид бўлган алоқадорликда намоён бўлади. Терминдаги тушунча билан алоқадорликни мантиқ қоидаси асосида белгилашимиз мумкин. Масалан: *ғалтак*— ип, сим, лента каби узун нарсаларни ўраб, жойлаш учун мосланган буюм (spool; roller; pulley; wheel barrow). Бу мисолда *ғалтак* термини нимани ўрашга мўлжалланганлиги билан бир-биридан ҳажми, тузилиши билан фарқланади. Ипни ўрашга мўлжалланган *ғалтак* тўқувчилик, тикувчилик соҳасида ҳам семантик фарқга эга (*лахтак*—газлама ёки терининг қолдиғи (scrap, shred), *зарбоф*—зардан ёки зар қўшиб тўқилган мато (gold brocade, weaved gold matter), *реализм* — адабиёт ва санъатда воқеликни бадиий образларда бутун тўлаллиги билан тўғри тасвирлаб беришни талаб этувчи бадиий метод ва бошқалар).

2. Термин ҳамма вақт бир маъноли бўлади. Унинг бир маъноли бўлиши маълум фан ёки маълум соҳадагина қўлланиш хусусияти орқали юзага келади. Масалан, *тил* сўз сифатида кўп маънолидир: 1) киши ва ҳайвонлардаги биологик орган номи; 2) алоқа қуроли номи ва бошқалар. Табиий фанларда термин сифатида одам ёки ҳайвон

анатомияси соҳасидаги маълум бир органи ифодалайди, ижтимоий фанлар соҳасида эса кишиларнинг жамиятда ўзаро алоқа қуролини англатади. Бундай махсус соҳаларда қўлланган термин қандай қуршовда келишидан қатъий назар, бир хил маънони англатаверади. Жумладан, *алвон* сўзи қизил маъносини билдирса, тўқимачилиқда газламаларнинг бир тури (сидирға қизил ип газлама)ни билдиради (алый, пунцовый, ярко-красный. Однотонная материя из красного шёлка. 1. Scarlet. 2. crimson. 3. bright red, ruddy. 4. one colour matter out of red silk).

3. Термин сўзнинг кўчма (ёки ясама) маъноларига ҳам асосланади.

Маълумки, сўзлардаги маъно кўчиши метафора, метонимия, функциядошлик, синекдоха усулларида юзага келади. Маъно кўчишидан ҳосил бўлган терминлар – даметафора ҳодисаси кўпроқ учрайди. Масалан, тўқувчилик соҳасидаги атлас номларидаги *шахмат*, *юлдуз*, *юракча*, *томчи*, *туморча* терминлари газлама нақши кўринишини (шаклини) шахмат тахтасига, юлдуз ёки тумор шаклига ўхшатишга асосланган. *Гулнамозшом*, *Баргикарам* каби газлама номлари эса гулга, карам баргига ўхшашлиги асосида номланган.

Маъноси метонимия усулида кўчган терминлар у қадар кўп эмас. Масалан, *Лайли*, *Гули*, *Ширин*, *Дилором*, *Маҳлиқо* газлама номлари аслида бадиий асар қаҳрамонлари номларидан олинган ёки *Самарқанд оқшоми*, *Марғилон машъали*, *Фарғона йўллари* каби газлама номлари эса локаллик белгисига эга.

Ҳайвоннинг териси маъносини англатадиган *қоракўл*, *тулки*, *қундуз* каби терминлар синекдоха усулида юзага келган. *Гула* – а) тўқимачилик дастгоҳининг бир қисми; б) нусха, копия (1) ремизка, часть ткацкого станка, part of a textile factory; в) копия, carbon copy, print). Кўринадики, бу ҳолатда ҳам бутун ва қисм орасидаги муносабат асосида маъно кўчган.

4. Терминнинг маъноси сунъий равишда семантик тараққиётдан чегараланган, ўзгаришлардан тўхтатилган бўлади. Термин сўзнинг кўчма маънода қўллангандаги маъносини англатса ҳам, бу кўчма маъно ўша терминнинг бирдан-бир маъноси бўлиб қолади. Масалан, *Қубба* сўзи биноларнинг тепа қисмини билдирувчи лексема бўлиб,

газлама дизайнерлигида атласга солинган *кубба* шаклини билдиради. Одатдаги сўзларда эса кўчма маънолардан бири билан бундай чегараланмайди. Маълум давр ўтиши билан сўзнинг бош маъноси ёки айрим кўчма маънолари унутилиши ва бошқа кўчма маъно сақланиб қолиб, асосий маънога айланиши мумкин.

5. Сўз мантиқий изоҳлаш орқали терминга айланганидан сўнг, мавжуд синонимия ва антонимия қаторидан чиқиб кетади. Масалан, *Юлдуз* сўзининг асосий маъноси осмон жисмини билдирганда, синоними *сайёра* бўлади. Аммо у газлама маъносида термин сифатида қўлланар экан, юқоридаги сўзлар унга синоним бўлолмайди.

6. Термин эмоционал-экспрессив белгига эга эмас. Бундай белги терминни аниқ бир маънода қўллашга халақит беради. Чунки эмоционал-экспрессив белги кишининг нутқ моментида предмет ёки ҳодисага бўлган шахсий муносабатини ифодалайди, термин эса предмет ва ҳодисаларга оид бўлган объектив тушунчаларни ифодалайди. Терминнинг маъносида субъективликка йўл қўйилмайди.

Баъзан терминларнинг морфологик таркибида кичрайтиш, эркалаш маъносини ифодаловчи аффикслар бўлади. Аммо бундай аффикслар термин таркибида бирламчи функцияни бажармайди. Масалан, газлама номларида *туморча*, *юлдузча* терминларидаги –ча аффикси одатдаги эмоционал-экспрессив белгига эга эмас. (Агар бу терминлар одатдаги сўзлар каби қўлланиб, болаларга нисбатан *туморча* ёки *юлдузча* бўлиб ишлатилганда кичиклик маъносигина эмас, ўша кичкина предметлар эгасига нисбатан бўлган эркалаш муносабати маъноси ҳам англашилган бўлар эди)

7. Одатдаги сўзлар тузилиш жиҳатидан содда ёки қўшма бўлади. Терминлар эса содда ва қўшмалиқдан ташқари, мураккаб (яъни бирдан ортиқ сўзларнинг грамматик тобелик муносабатига киришига асосланган турғун бирикма ҳолатида) ҳам бўлади.

Мураккаб терминлар қуйидаги талаблар асосида ҳосил қилинади:

а) терминларда ихчамлик бўлиши зарур. Масалан, М.В. Ломоносов томонидан яратилган илмий терминлар таркиби икки ва уч сўздан иборат бўлган. Терминларнинг

ихчам бўлиши уларни қўллашда қўлайлик туғдиришидан ташқари, улардан янги терминлар ясаш имкониятини беради. Чунончи, мавжуд терминдан сўз ясовчи аффикс ёрдамида янги термин ясаш мумкин. Масалан –чи аффикси ёрдамида: *тўқувчи, бўзчи, пайвандчи, бўёқчи (ранг берувчи), арқовловчи, калавачи, чокчи*; -фуруш аффикси ёрдамида: *читфуруш, шойифуруш, газламафуруш, ипакфуруш* каби;

б) мураккаб терминлар таркибидаги сўзлар ўзаро синтетик бириккан бўлиши керак. Масалан, *зич тўқиш ўрнига ипларни зич қилиб тўқиш* ёки *қора атлас ўрнига қора ва оқ рангли атлас* деб ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

8. Термин, одатда, фан, техника ва саноат ишлаб чиқаришига оид бўлади. Ҳозирги замонда халқлар орасидаги яқин ва мустақам алоқа туфайли фан ва техникага, ишлаб чиқаришга оид тушунчалар кўпинча

умуммиллат ва интернационал характерга эгадир. Халқаро алоқаларнинг ривожланиши ва мустақамланиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида соҳага оид тушунчаларнинг унификациялаштирилишига, бир хиллашишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, соҳага оид сўзларнинг атамалашувига – терминлашувига туртки бўлади. Масалан, *орнамент* – геометрик шакллар билан ўсимлик ёки ҳайвонлар олаmidан олинган тасвирларни қўшиб, уйғунлаштириб ишланган бўёқли, ўйма ёки чизманақш (орнамент, ornament); *апликация* – бирор нарсага ранг-баранг газлама ёки қоғоз парчалари ёпиштирилган ёки тикиб нақш солиш усули ёки шундай нақшли буюм (апликация, applique).

Демак, терминларнинг ҳам ўзига хос белгилари мавжуд ва улар юқорида санаб ўтилган белгилари билан одатдаги сўзлар фарқланади.

#### Адабиётлар:

1. Челпанова Г.И. Учебник логики. – М., 1946.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966.
3. Алиева М. Дизайнерлик атамаларининг ўзбекча- русча-инглизча луғати. – Андижон, 2018.
4. Аристотель. Аналитики. –М.–Л., 1952.
5. Луксевич Я. Аристотелевская силлогистика с точки зрения современной формальной логики. –М., 1959.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).